

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БОЗАРОВ САРДОР СОХИБЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ
ЗОНАЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро ҳусусий ҳуқук**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление авторефера та докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Бозаров Сардор Сохибжонович

Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳукуқий тартибга солишни такомиллаштириш.....3

Bozarov Sardor Sohibjonovich

The development of legal regulation of entrepreneurial activity in the free economic zones of the Republic of Uzbekistan.....23

Бозаров Сардор Сохибжонович

Совершенствование правового регулирования предпринимательской деятельности в свободных экономических зонах Республики Узбекистан.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БОЗАРОВ САРДОР СОХИБЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ
ЗОНАЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро ҳусусий ҳуқук**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Yu37 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.tsul.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилди.

Илмий маслаҳатчи:

Эсанова Замира Нормуротовна,
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умаров Толибжон Абдуазизович
юридик фанлар доктори

Масадиков Шерзод Абдуазизович
юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети хузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “05” июнь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (998971) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (283-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (998971) 233-66-36.

Диссертация автореферати 2018 йил 16 майда тарқатилди.
(2018 йил “16” майдаги 3-ракамли реестр баённомаси).

Н.С.Салаев

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, юридик
фанлар доктори, доцент

У.А.Тухташева

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби, юридик
фанлар номзоди, профессор

Н.Ф.Имомов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тенденциясининг ўсиб бориши, уларда ташқи савдо ва инвестиция муносабатларининг янада ривожланиши, ушбу худудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ҳамда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш кувватларининг ташкил этилиши, шунингдек рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада ошиши мазкур тузилмаларда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва уни ҳуқуқий тартибга солиш заруриятини вужудга келтирмоқда. Ҳозирда дунё миқёсида 4300 дан зиёд ўзига хос хусусиятга эга бўлган эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатиб келмоқда¹.

Таҳлилларга кўра, ривожланган давлатлар (АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқ.) тажрибасида эркин иқтисодий зоналар фаолиятига инновацияларни жорий этиш кун сайин ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан эркин иқтисодий зоналарда иштирокчиларга янада қулай шароитлар яратиш мақсадида маъмурий тартиб-таомил ва рухсат бериш қоидаларини янада соддалаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишини такомиллаштириш, инвестиция жозибадорлигини ошириш ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган “...мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш...”² каби вазифалардан келиб чиқиб, **республикамизда** фаолият кўрсатиб келаётган эркин иқтисодий зоналарга инвестицияларни кириб келиши учун янада кенг имкониятлар яратиш, ушбу худудларда ташқи савдо ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши ҳамда мамлакатимизни дунё бозорида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш вазифасини қўймоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 16 та эркин иқтисодий зона фаолият юритмоқда. “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Кўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларга тенг 62 та лойиҳа амалга оширилган, 4,6 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган.

Фармацевтика соҳасига ихтисослашган “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”,

¹ Special economic zones <https://www.economist.com>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

“Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўstonлик-фарм”, “Паркент-фарм”, туризм соҳасида “Чорвоқ”, шунингдек “Сирдарё” янги эркин иқтисодий зоналарини ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда кичик саноат зоналари қарийб 100 тага етди. Бугунги кунгача ушбу ҳудудларда умумий қиймати 535 миллиард сўмга тенг 1021 та лойиха амалга оширилган. Янги корхоналар ишга тушиши туфайли 9,6 мингдан зиёд иш ўрни яратилган.

Президентимиз ташабbusи билан эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойихаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик ускуналар харид қилиш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағи ҳисобидан 100 миллион доллар миқдорида чет эл валютасидаги кредит линияси очилди¹.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида инвестор ва тадбиркорларга янада кенг имкониятлар яратишга оид комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, энг аввало, ушбу зоналар фаолиятига доир меъёрий-хуқуқий базани қайта кўриб чиқиш, бугунги замон талабларига мослаштириш, барча учун очик ва тушунарли механизм яратиш каби муҳим вазифаларни қўйганлиги, энг эътиборлиси, 2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинганлиги ушбу мавзунинг долзарблигини янада кучайтиради².

Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Конуни (1996), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2016), “Ургут”, “Гиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги (2017), “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017) Фармонлари ва “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017) қарори, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018) қарори ва ушбу соҳага тегишли бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи.

¹ <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1113>

² Ўша жойда

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши-нинг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш”нинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро хусусий ҳуқуқда эркин иқтисодий зоналар ва уларда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятининг айrim масалалари миллий ҳуқуқшунослик тизимида Ҳ.Р.Раҳмонқулов, О.Оқюлов, С.С.Хамроев, Б.Б.Тошев, Г.А.Умаров, Б.Б.Самарходжаев, Х.Т.Азизов, Б.И.Исмоилов, С.С.Гулямов, М.М.Камалов, И.Р.Рустамбеков ва бошқаларнинг илмий ишларида¹ муайян даражада ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда эркин иқтисодий зоналар ва унда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари Susan Tiefenbrun, Thomas Farole, Tom W. Bell, Mary Jane Bolle, Brock R. Williams, Wei Ge, Andrew Cheesman, Richard Thoman, Peter G. Warr, Douglas Zhihua Zeng, Yeow Teck Chai, Ooi Chooi Im, Fadi Abdulmoein Al Sakka, Heidi Hamed, Willemijn de Jong, Michael Engman, Osamu Onodera, Enrico Pinali, Aradhna Aggarwal, Г.М.Костюнина, В.А.Баринова, В.А.Коцюбинский, А.Р.Мухлисова, В.В.Рыбалкин, Б.С.Игоревич, О.Е.Якимова, Д.М.Благов, О.В.Флоря, А.В.Гасумяновалар томонидан тадқиқ этилган².

Ҳозирги кунга қадар мамлакатимиз эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга оид алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган. Айни пайтда мавзууни миллий қонунчилик нуқтаи назаридан комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишини такомиллаштиришга оид назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар, илмий хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эркин иқтисодий зоналар тушунчасига халқаро хусусий ҳуқуқ нуқтаи назаридан таъриф бериш ва ушбу худудларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда тутган ўрнини ва унинг афзалликларини илмий жиҳатдан асослаб бериш;

¹ Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

² Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятининг тадбиркорлик хукуқи ва халқаро ҳусусий ҳукуқ нормалари кесимида тартибга солинишини қиёсий таҳлил қилиш;

хорижий мамлакатларнинг эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳукуқий тартибга солишнинг ўзига хос ҳусусиятларини очиб бериш ва уни миллий қонунчилик нормалари билан солиштириш;

эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолияти иштирокчиларининг ҳукуқий ҳолатини ёритиб бериш;

эркин иқтисодий зоналарда корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартиби билан боғлиқ муаммоларни таҳлил этиш;

эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга оид битимларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларига бериладиган имтиёзларнинг ўзига хос устуворлиги ва аҳамиятини кўрсатиб бериш;

Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича назарий, амалий ва илмий жиҳатдан асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятини ҳукуқий тартибга солиш соҳасида вужудга келадиган ҳукуқий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети. Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятини ҳукуқий тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳукуқий ҳужжатлар, ҳукуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, илмий-назарий қарашлар, шунингдек мазкур йўналишда вужудга келган муаммоларни ўрганишга қаратилган.

Тадқиқотнинг усуслари. Диссертацияни тайёрлашда умумлаштириш, дедукция, тизимли ёндашув, қиёсий-ҳукуқий таҳлил, статистик ва амалиёт материалларини ўрганиш каби усуслардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Эркин иқтисодий зоналар Дирекциялари эркин иқтисодий зоналарнинг Маъмурий кенгаши қарорлари ва эркин иқтисодий зоналарнинг ишлаб чиқилган бош режалари бўйича маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштирилиши ва эркин иқтисодий зоналар дирекцияларида “ягона дарча” тамойили бўйича муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланишга барча зарур рухсатномалар берилишини ташкил қилиши тўғрисидаги таклифлар асослантирилди.

“Ургут” ЭИЗ, “Фиждувон” ЭИЗ, “Қўқон” ЭИЗ, “Ҳазорасп” ЭИЗ Дирекциялари эркин иқтисодий зоналарнинг бутун фаолият кўрсатиш даврида солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш ҳақидаги таклиф асослаб берилди.

Маъмурий кенгашнинг эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналар худудида фаолият юритиш учун инвестиция лойиҳаларини танлаш ва жойлаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифлар асослантирилди.

ЭИЗ ва КСЗ ҳудудида белгиланган мезонлар бўйича хўжалик юритувчи субъектларни Маъмурий кенгашга қарашли ер ёки бино ва иншоотларни жойлаштириш, шунингдек уларга ЭИЗ ва КСЗ қатнашчиси мақомини бериш тўғрисидаги қарор қабул қилиш бўйича таклифлар асослаб берилди.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

“Эркин иқтисодий зона”, “Эркин иқтисодий зона иштирокчилари”, “Эркин иқтисодий зонада тадбиркорлик фаолиятининг хуқуқий режими”ларига таъриф ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасида “Фарм эркин иқтисодий зоналари”дан ташқари, “Эркин туристик зоналар”, енгил саноат соҳасидаги “Текстиль эркин иқтисодий зоналар” ҳамда алоҳида соҳаларга йўналтирилган эркин иқтисодий зоналарни яратиш мақсадга мувофиқ эканлиги асослаб берилди.

Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатиши янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизmlарини кенгайтириш Маъмурий ислоҳотлар концепциясининг асосий устувор йўналишларидан бири эканлигидан келиб чиқиб эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгашининг эркин иқтисодий зоналар ҳудудида қиймати 5,0 миллион АҚШ доллари эквивалентидан юқори бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан маъмурий кенгашларнинг қарорларини келишиб олиш (маъқуллаш) ваколатларини бекор қилиш тўғрисидаги таклифи асослантирилди.

Эркин иқтисодий зоналарнинг Маъмурий кенгашига тегишли бўлган “Инвестиция лойиҳаларини қўриб чиқиши” ваколатини эркин иқтисодий зона Дирекцияларига ўтказиш тўғрисидаги таклиф ҳамда эркин иқтисодий зоналар ҳудудида эркин иқтисодий зона қатнашчиларига ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги ваколатини туман (шаҳар) ҳокимлигидан эркин иқтисодий зоналар Дирекцияларга ўтказиш таклифи асослаб берилди.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш учун Дирекцияларга хужжатларни топшириш тартибини янада соддалаштириш асослаб берилди.

Эркин иқтисодий зоналарда Дирекция ва иштирокчилар ўртасида тузиладиган инвестициялаш тўғрисидаги битимни электрон тартибда тузиш ҳақидаги таклифлар асослантирилди.

Эркин иқтисодий зоналарда инвесторларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим эканлигидан келиб чиқиб Дирекция ва иштирокчилар ўртасида тузиладиган Инвестициялаш тўғрисидаги битимда мустаҳкамланган низоларни ҳал этиш тартибини нафақат келишув йўли билан, иқтисодий суд ёки арбитраж суди орқали ҳал этиш тўғрисидаги нормани киритиш таклифи асослаб берилди.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олишда, агар инвесторнинг тегишли соҳада ёки ўхшаш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича иш тажрибаси мавжуд

бўлмаса, инвестор Дирекцияга инвестиция лойиҳасини амалга оширишга жалб этаётган технологик ҳамкорлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш бўйича тартибни бекор қилиш ҳақидаги таклиф илгари сурилди.

Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорларни иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек уларга янада қулай имкониятлар тақдим этиш мақсадида эркин иқтисодий зона иштирокчиларига бериладиган солик ва божхона имтиёзларини ўзгартириш таклифи илмий асослаб берилди. Хусусан, эркин иқтисодий зоналарда солик ва божхона имтиёзларини ҳисоблаш муддати ЭИЗ¹ қатнашчисига эркин иқтисодий зона иштирокчиси деган гувоҳнома берилган кундан эътиборан эмас, балки солик ва божхона имтиёзлари ЭИЗ иштирокчиси ўз корхонасини ишга тушириб, маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаган вақтдан бошланиши тўғрисидаги таклиф асослаб берилди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз эркин иқтисодий зоналарида маҳаллий инвесторларнинг фаолигини ошириш, уларнинг эркин иқтисодий зоналарга инвестиция киритиш ҳажмини ошириш мақсадида киритиладиган дастлабки инвестиция ҳажмини 300 минг АҚШ доллари эквивалентидан 100 минг АҚШ доллари эквивалентига тушириш тўғрисидаги таклиф илгари сурилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Конунига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишининг ҳар бир боби якунида келтирилган хulosалар, шунингдек диссертация ишининг хulosасида ўз аксини топган умумназарий тўхтамлар (қоидалар), конун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, ҳалқаро хусусий ҳуқуқ фанида мавжуд бўлган назарий қарашлар, ушбу соҳадаги ҳалқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, миллий қонунчилик нормалари, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётига асосланган. Ишдаги ахборот базасининг ишончлилиги фақатгина расмий нашрларда эълон қилинган статистик маълумотлардан, шунингдек монографик тадқиқотларда текширилган ва нашр этилган натижалардан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Бундан ташқари, тадқиқот ишида муаллиф томонидан 2016 йил август ойида “Навоий” эркин иқтисодий зонасида амалга оширилган стажировка давомида олинган амалиёт материалларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий асосларини ривожлантиришга, эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришга хизмат қиласди. Диссертацияда баён этилган қоидалар, яратилган хulosалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишида, эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга

¹ Бундан кейинги матнда эркин иқтисодий зоналар “ЭИЗ” деб юритилади

солиш бўйича амалдаги қонун хужжатларини такомиллаштиришда, шунингдек “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш”, “Халқаро хусусий ҳуқуқ”, “Инвестиция ҳуқуқи”, “Ўзбекистон Республикасида эркин туристик зоналар”, “Ўзбекистон Республикасида фарм эркин иқтисодий зоналари” модулларини ишлаб чиқиш ва уларни юриспруденция, иқтисодиёт ҳамда фармацевтика соҳасига ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқув жараёнида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларни тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти қонун ижодкорлиги, эркин иқтисодий зоналар фаолиятида, шунингдек, эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион жозибадорлигини янада ошириш, ушбу худудларда фаолият юритаётган тадбиркорлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишида, юридик, иқтисодиёт ва фармацевтика таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Эркин иқтисодий зоналар дирекциялари эркин иқтисодий зоналарнинг Маъмурий кенгashi қарорлари ва эркин иқтисодий зоналарнинг ишлаб чиқилган бош режалари бўйича маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштирадилар ва эркин иқтисодий зоналар дирекцияларида “ягона дарча” тамоили бўйича муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси тармоқларига уланишга барча зарур рухсатномалар берилишини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут” ЭИЗ, “Ғиждувон” ЭИЗ, “Қўқон” ЭИЗ, “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги ПФ-4931-сон Фармонида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлигининг 2017 йил 16 январдаги ММ-25/03-19-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги эркин иқтисодий зона ҳудудида фаолият юритмоқчи бўлган хорижий ва маҳаллий инвесторларга янада қулайлик яратади.

“Ургут” ЭИЗ, “Ғиждувон” ЭИЗ, “Қўқон” ЭИЗ, “Ҳазорасп” ЭИЗ Дирекциялари эркин иқтисодий зоналарнинг бутун фаолият кўрсатиш даврида солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут” ЭИЗ, “Ғиждувон” ЭИЗ, “Қўқон” ЭИЗ, “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги ПФ-4931-сон Фармонида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлигининг 2017 йил 16 январдаги ММ-25/03-19-сонли

маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги эркин иқтисодий зоналарни бошқарув органлардан бири бўлган ЭИЗ Дирекцияларини янада самарали фаолият кўрсатишига олиб келади.

Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналар ҳудудида фаолият юритиш учуш инвестиция лойиҳаларини танлаш ва жойлаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3356-сон Қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари тўғрисидаги Намунавий низомда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлигининг 2017 йил 16 январдаги ММ-25/03-19-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларни қабул қилинганлиги эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини оширади.

ЭИЗ ва КСЗ ҳудудида белгиланган мезонлар бўйича хўжалик юритувчи субъектларни Маъмурий кенгашга қарашли ер ёки бино ва иншоотларни жойлаштириш, шунингдек, уларга ЭИЗ ва КСЗ қатнашчиси мақомини бериш тўғрисидаги қарор қабул қилиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3356-сон Қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг Маъмурий кенгашлари тўғрисидаги Намунавий низомда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлигининг 2017 йил 16 январдаги ММ-25/03-19-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларни қабул қилинганлиги эркин иқтисодий зоналарни фаолияти самарадорлигини оширади ҳамда эркин иқтисодий зона иштирокчиларига янада қулайликлар тақдим этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 11 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий мақола (4 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, 9 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмida тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмунига ҳамоҳанглиги, тадқиқотниңг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, илмий ва хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотниңг мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети, усуллари, тадқиқотниңг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг “Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ва ҳуқуқий асосларининг шаклланиши” деб номланган биринчи бобида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг маҳсус ҳудуди сифатида эркин иқтисодий зоналар тушунчаси ва аҳамияти, эркин иқтисодий зоналарнинг яратилиш тарихи, уларнинг тадрижий ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган.

Шунингдек, эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатлари ҳар томонлама таҳлил қилиниб, ушбу иқтисодий ҳудудларга хорижий мамлакатлар ҳамда миллий ҳуқуқшунос олимлар томонидан берилган таърифлар ўрганилган, шунингдек ҳалқаро конвенцияларда, хорижий мамлакатларнинг қонунчилигига ҳамда мамлакатимиз миллий қонунчилигига эркин иқтисодий зоналарга оид таърифлар ўрганиб чиқилган. Мазкур тушунчанинг тор ва кенг таърифи билан боғлиқ хусусиятлардан келиб чиқиб, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда хорижий эксперт ва олимлар (T.Farole, Wei Ge, Meng Guangwen, Siu-Wai Wong, Mi Hoon Jeong, М.М.Богуславский, К.А.Семёнов, В.Игнатев, В.Бутов, З.М. Округ, Т.П.Данко, А.Кузнецов ва бошқ.) ва миллий олимлар (Х-А.Рахманкулов, О.Оқюлов, Т.А.Умаров Х.Т.Азизов, Б.Исмоилов, М.Камалов ва бошқ.)нинг фикрлари таҳлил қилиниб, эркин иқтисодий зонага куйидаги муаллифлик таърифи берилган:

“Эркин иқтисодий зона – давлатнинг иқтисодий ва географик жиҳатдан қулай ҳудудида ташкил этиладиган, мамлакат иқтисодиётини ривожлантирадиган ва унинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлайдиган, алоҳида имтиёзлар мажмуини ўз ичига олган ҳуқуқий режисмга эга бўлган ҳамда чет эл элементи билан мураккаблашган турли ҳуқуқий муносабатлар амалга ошириладиган маҳсус ажратилган ҳу́ду́д”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да (3-бўлим) фаолият кўрсатаётган

эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш зарурати назарда тутилган¹.

Шу билан биргалиқда, муаллиф тадбиркорлик фаолиятини амалға оширишнинг маҳсус макони сифатида эркин иқтисодий зоналарни таснифлашнинг назарий жиҳатларини ўрганиб, жаҳон бўйлаб фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналарнинг турлари (*эркин савдо зоналари, экспортга йўналтирилган зоналар, эркин портлар, алоҳида соҳага ихтисослаштирилган зоналар ва бошқ.*) ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини илмий жиҳатдан таҳлил этган. Ишда ўзида турли хил кўринишдаги эркин иқтисодий зоналарни ташкил этган ҳамда уларни самарали фаолият кўрсатиши бўйича ўзига хос тажрибага эга бўлган давлатлар (АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, БАА, Россия Федерацияси)нинг эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонунлари қиёсий ўрганилиб, Ўзбекистон Республикасида ҳам эркин иқтисодий зоналарнинг бошқа турларини ташкил этиш бўйича таклифлари илмий асослантирилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги туристик салоҳияти ва сайёхлик имкониятлари юқори эканлигидан келиб чиқиб, мамлакатимизда “Эркин туристик зоналар”ни яратиш таклифи асослаб берилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда енгил саноат, пахта, ипак ва тери (қора кўл) хомашёлари бўйича катта захирани мавжуд эканлигини инобатга олиб, ушбу хомашёларни қайта ишлаб, экспортга йўналтирилган енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Текстиль эркин иқтисодий зоналар”, шунингдек иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқларини янада тарақкий эттиришга ихтисослашган “Алоҳида соҳага йўналтирилган эркин иқтисодий зоналар”ни яратиш таклифи асослантирилди.

Жумладан, ҳозирга келиб мамлакатимизда комплекс эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатиб келаётган бўлсада, ушбу эркин иқтисодий маконлар эркин иқтисодий зоналарнинг бир тури сифатида миллий қонунларда ўз аксини топмаган.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ти Конунийнинг 5-моддаси мамлакатимизда ташкил этиладиган эркин иқтисодий зоналарнинг барча турларини қамраб олмаганлиги боис, ушбу Конуннинг 5-моддасига тегишли ўзгартириш киритиб, уни қуйидагича баён этиш асослаб берилди: “Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналар: эркин савдо зоналари, эркин ишлаб чиқариш зоналари, эркин илмий-техникавий зоналар, эркин туристик зоналар, алоҳида соҳага йўналтирилган эркин иқтисодий зоналар, комплекс эркин иқтисодий зоналар ва бошқа зоналар тарзида тузилиши мумкин”. Шунингдек, диссертациянинг ушбу бобида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини халқаро хукуқий тартибга солиш ва хорижий мамлакатлар қонунчилигига эркин иқтисодий зоналар фаолиятини хукуқий тартибга солишнинг ўзига хос

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти ПФ-4947-сон Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

хусусиятлари атрофлича ўрганилган. Унда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини тартибга солиш бўйича АҚШ, Европа мамлакатлари, Бразилия, Хитой, Жанубий Корея, МДХ мамлакатлари: Россия Федерацияси, Қозогистон ва бошқа мамлакатларнинг эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонунчилиги қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиши тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар асослантирилган.

Диссертациянинг “Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолияти иштирокчилари ва улар томонидан тузиладиган битимларнинг умумий тавсифи” деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолияти иштирокчиларининг хукуқий ҳолати, уларни рўйхатдан ўtkазиш ҳамда эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга оид битимларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунда ҳамда ушбу соҳадаги бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларда эркин иқтисодий зона иштирокчилари жисмоний ва юридик шахс эканлиги тўғрисидаги норма мустаҳкамланган. Лекин эркин иқтисодий зона иштирокчиларининг хукуқий ҳолатини очиб берувчи нормалар ўз аксини топмаган. Муаллиф томонидан хорижий давлатларда (Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Қозогистон Республикаси, Туркманистон Республикаси) ҳамда мамлакатимиз ҳудудларида фаолият юритиб келаётган эркин иқтисодий зоналарда (“Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах” ва бошқ.) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб келаётган иштирокчиларнинг хукуқий ҳолати қиёсий ва илмий жиҳатдан ўрганилиб, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги “Эркин иқтисодий зона иштирокчиларининг хукуқий ҳолати” деган алоҳида бобни киритиб, эркин иқтисодий зона иштирокчиларига тааллуқли бўлган бир неча прим моддаларини белгилаш таклифи илгари сурилди. Жумладан, “Эркин иқтисодий зона иштирокчилари” номли 10^1 -модданинг киритилиши илмий жиҳатдан асосланиб, “Эркин иқтисодий зона иштирокчилари – белгиланган тартибда эркин иқтисодий зона ҳудудида рўйхатдан ўтказилган ва эркин иқтисодий зоналарнинг Дирекцияси томонидан ЭИЗ қатнашчилари реестрига киритилган тадбиркорлик фаолияти субъекти”, деган таъриф берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида тасдиқланган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Низомда эркин иқтисодий зона иштирокчиларига “ЭИЗ хўжалик фаолияти қатнашчиси (ЭИЗ қатнашчиси) – белгиланган тартибда ЭИЗ ҳудудида рўйхатдан ўтказилган ва Дирекция томонидан ЭИЗ қатнашчилари реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъект”, деган таъриф берилган.

Эркин иқтисодий зона иштирокчиларининг асосий мақсади таваккалчилик асосида фойда олишга, даромад олишга қаратилган. Бу эса тадбиркорлик фаолиятининг энг асосий белгиси ва талаби ҳисобланади. Бундан ташқари, сўнгги пайтларда мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳукуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларга ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун янада эркинликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, ушбу соҳада қабул қилинаётган норматив-ҳукуқий хужжатларда тадбиркорларга нисбатан “Хўжалик юритувчи субъектлар” эмас, балки “Тадбиркорлик фаолияти субъектлари” деган атама қўлланилиб келмоқда. Ушбу фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, Низомда ўз аксини топган “Хўжалик фаолияти қатнашичиси” деган атамани чиқариб ташлаб, “Тадбиркорлик фаолияти субъекти” деган атамани қўллаш таклифи асослаб берилди.

Шу билан бирга, ушбу бобда эркин иқтисодий зона ҳудудида хўжалик фаолияти қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартиблари таҳлил қилинган бўлиб, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш тартибларини янада соддалаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Муаллиф томонидан эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиша ва инвесторнинг тегишли соҳадаги ёки шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга оширишдаги иш тажрибаси мавжудлигини тасдиқловчи маълумот, агар инвесторнинг тегишли соҳада ёки ўхшаш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича иш тажрибаси мавжуд бўлмаса, инвестор Дирекцияга инвестиция лойиҳасини амалга оширишга жалб этаётган технологик ҳамкорлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш, инвесторнинг охирги уч йилдаги молия-хўжалик фаолияти тўғрисида маълумот, шунингдек агарда инвестиция буюртманомасини топшириш вақтида инвестор молия-хўжалик фаолиятини юритмаган ёки бир йилдан кам юритган бўлса, инвестор Дирекцияга инвесторнинг биттадан кам бўлмаган муассиснинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартибларини бекор қилиш эркин иқтисодий зонада рўйхатдан ўтказиш тартибларига ижобий таъсир кўрсатиши ҳақида хулоса қилинган.

Бундан ташқари, барча хужжатлар инвестор томонидан Дирекцияга давлат ёки рус тилидаги белгиланган тартибда тасдиқланган таржимаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши белгиланган. Инвесторларга барча хужжатлар давлат тили, рус тили ёки инглиз тилида топшириш тўғрисидаги таклифларни илгари сурилиши инвесторлар учун ортиқча сансалорликларни олдини олишга ҳамда инвесторларга янада қулай шароитлар яратилишига олиб келади.

Шу билан биргалиқда, юридик шахснинг ёки унинг таъсисчиларининг ташкил этилганлиги, уларнинг тегишли соҳада ва ўхшаш инвестиция лойиҳасини амалга оширишда тажрибага эгалиги тўғрисидаги маълумотларни бекор қилиш тартиби асослаб берилди.

Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун Дирекция ва инвестор ўртасида тузиладиган инвестициялаш тўғрисидаги битимни тузиш механизmlарини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Эркин иқтисодий зоналарда Дирекция ва иштирокчилар ўртасида тузиладиган инвестициялаш тўғрисидаги битимни электрон тартибда тузиш ҳақидаги таклифлар асослантирилди.

Тадқиқотчи томонидан “Инвестициялаш тўғрисида”ги битимнинг 11-моддасидаги низоларни ҳал этиш тартибларини қайта қўриб чиқиб, унда томонлар ушбу битимнинг ижроси натижасида келиб чиқадиган низоларни ва келишмовчиликларни нафакат ўзаро музокаралар ва маслаҳатлар йўли билан, балки иқтисодий суд ёки арбитраж суди орқали хам ҳал этиш механизmlарини қонуний мустаҳкамлаш таклиф этилган.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида “Инвестициялаш тўғрисида”ги битимдан ташқари, эркин иқтисодий зона иштирокчилари ўртасида бошқа турдаги шартномаларни тузиш механизmlарини янада соддалаштириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида”ги Қонунни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар асослантирилган.

Диссертациянинг **“Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолияти иштирокчиларига бериладиган имтиёзларнинг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида тадбиркорлик фаолияти иштирокчиларига имтиёзларни тақдим этиш тартиблари, эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолиятининг хукуқий режимига назарий ёндашув масалалари таҳлил қилинган.

Амалдаги қонун ҳужжатлари ва олимлар (T.Farole, G.Akinci, M.Engman О.Е.Якимова, Д.А.Благов, А.В.Гасумянова, О.В.Флоря, Н.И.Матузов, А.В.Малко, Ю.С.Радионов, Е.Ф.Шамсунова, В.Ф.Попондупуло, О.А.Беляева)нинг фикрларига қўшилган ҳолда “эркин иқтисодий зонада тадбиркорлик фаолиятининг хукуқий режими”, “эркин иқтисодий зонанинг солиқ режими” ва “эркин иқтисодий зонанинг божхона режим”ларига қўйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Эркин иқтисодий зонада тадбиркорлик фаолиятининг хукуқий режими – муайян географик ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини юритиш, мол-мулкларнинг муайян ҳолати ва субъектларнинг мақомига оид қонунчилик доирасида белгиланган алоҳида қоидалар, имтиёзлар, ваколатлар, хукуқ ва мажбуриятлар комплекс қоидаларидир.

Эркин иқтисодий зонанинг солиқ режими – эркин иқтисодий зоналар ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини самарали амалга оширилиши бўйича алоҳида қоидаларни ўз ичига олган солиқ имтиёзлариdir.

Эркин иқтисодий зонанинг божхона режими – эркин иқтисодий зоналар ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун мол-мулкларни олиб кириш ва олиб чиқишида алоҳида қоидаларни ўз ичига олган божхона имтиёзлариdir.

Бинобарин, ушбу бобда эркин иқтисодий зоналардаги тадбиркорлик фаолиятида солиқ ва бошқа мажбурий түловлар бўйича имтиёзларнинг аҳамияти, эркин иқтисодий зоналарда солиқ ва бошқа мажбурий түловлар бўйича муносабатларни тартибга соладиган мавжуд норматив-хукуқий хужжатлар таҳлили ва унинг умумлаштирилган натижалари баён этилган. Шунингдек, ҳозирга келиб ривожланган давлатларда самарали фаолият юритаётган эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган солиқ ва бошқа имтиёзларнинг ўзига хос хусусиятлари чуқур таҳлил этилган ҳолда муаллиф томонидан республикамиз эркин иқтисодий зоналарида солиқ ва божхона имтиёзларини кўллаш бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

ХУЛОСА

“Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини хукуқий тартибга солишни такомиллаштириш”га бағишиланган илмий-тадқиқот натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг мақбул режими сифатида эркин иқтисодий зонага қуйидаги таъриф ишлаб чиқилди. Унга кўра, **Эркин иқтисодий зона (free economic zone)** – давлатнинг иқтисодий ва географик жиҳатдан қулай ҳудудида ташкил этиладиган, мамлакат иқтисодиётини ривожлантирадиган ва унинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлайдиган, алоҳида имтиёзлар мажмуини ўз ичига олган режимга эга бўлган ҳамда чет эл элементи билан мураккаблашган турли хил хукуқий муносабатлар амалга ошириладиган маҳсус ажратилган ҳудуд.

2. Эркин иқтисодий зоналарда маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан ташкил этилган корхоналар эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари сифатида фаолият юритади. Мазкур иштирокчиларнинг хукуқий мақомини янада аниқлаштириш мақсадида эркин иқтисодий зона иштирокчиларининг назарий концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур концепцияга кўра, **Эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари (Participants of free economic zones)** – эркин иқтисодий зона ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида рўйхатдан ўтказилган ва дирекция томонидан эркин иқтисодий зона иштирокчилари реестрига киритилган тадбиркорлик фаолияти субъекти.

3. **Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик фаолияти (entrepreneurial activity in the free economic zones)** – эркин иқтисодий зонада тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари реестрига киритилган иштирокчилар томонидан эркин иқтисодий зоналар ҳудуди доирасида таваккалчилик асосида фойда (даромад) олишига қаратилган ҳамда инвестициялаш тўғрисидаги битимда назарда туттилган товарлар ва маҳсулотларни ишлаб чиқарши ва қайта ишилаш, шунингдек уларни сотии бўйича фаолият ҳисобланади.

4. **Эркин иқтисодий зонада тадбиркорлик фаолиятининг хукуқий режими (The legal regime of entrepreneurial activity in the free economic zone)** –

муайян географик ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини юритши, мол-мулкларнинг муайян ҳолати ва субъектларнинг мақомига оид қонунчилик доирасида белгиланган алоҳида имтиёзлар, ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўз ичига олган қомплекс қоидалардир.

Эркин иқтисодий зонанинг солик режими (The tax regime of free economic zone) – эркин иқтисодий зоналар ҳудудида тадбиркорлик фаолиятининг самарали амалга оширилиши бўйича алоҳида қоидаларни ўз ичига олган солик имтиёзлар.

Эркин иқтисодий зонанинг божхона режими (The cusom regime of free economic zone) – эркин иқтисодий зоналар ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун мол-мулкларни олиб кириш ва олиб чиқшида алоҳида қоидаларни ўз ичига олган божхона имтиёзлари.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Конунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойихаси ишлаб чиқилди. Лойихада Конуннинг айрим нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилди.

